

Орзудан маҳрум колган инсон тубанлик сари кулашга маҳкум бўлгани сингари идеалдан бебахра жамият хам таназзул гирдобига тушиши мукаррардир. Инсон орзузи, жамият идеали эса адабиётда акс этади. Адабиёт миллий шаклда намоён бўлар экан, нафакат алохида шахсларнинг, миллатнинг орзу-идеалларини ифодалайди. Бу хол, адабиётнинг энг фаол тури саналган шеъриятда, айникса, якколрок кўринади. Миллий шеъриятимизнинг такомиллашув тенденцияларини аниглаш, унинг хос хусусиятларини тахлил этиш, шеършуносликнинг замонавий мезонлари асосида баҳолаш ана шу жихатдан алохида ахамиятга эга.

Тахлил обьектимиз – ўтган 2012 йили чоп этилган шеърий тўпламлардир. Бу йил жами 100 дан ортиқ катта-кичик шеърий тўпламлар чоп этилгани халкимизнинг назмга бўлган ихлосидан, мухаббатидан дарак беради.

Дастлаб шеърий тўпламларга кирган достонлар хусусида. Ўзбекистон Каҳрамони, Халк шоири Абдулла Ориповнинг “Ранглар ва оханглар” тўпламига кирган “Истиклол манзаралари” асари ўзбек достончилигига янги ходиса бўлганини таъкидлаш керак. Бу янгилик нималарда кўринади? Биринчидан, достон лиро-эпик поэзияда бир оз унутила бошлигар халкона киссагўйлик усулида ижод этилган. Иккинчидан, “Йигирма йил”, “Тоглар хикояси”, “Ўзбек иши”, “Мурунтов”, “Элобод”, “Камчик довони”, “И мом Бухорий”, “Женева” сарлавхалари билан берилган саккиз манзара оркали халкимиз хаётида истиклолгача ва мустакиллик йилларида кечган бутун мураккабликлар: зиддиятлару юксалишлар, алохида шахслар ва миллат рухиятидаги эврилишлар киёсий аспектда бетакрор поэтик талкин этилган. Хайратга лойик жихати шундаки, бу саккиз манзара алохида алохида олганда хам ўзига хос тугал бадиий кашфиёт бўлгани сингари, яхлит холда хам оригинал лироэпик ходиса мавкеига кўтарилиган. Учинчидан, достон, шеъриятга устоз шоирнинг ўзи кўйган талаб – бетакрор мазмун, гўзал ташбих, сирли рух уйгунлигига яратилган. Булар бари “Истиклол манзаралари”нинг достончилигимиздаги чинакам янгилик эканига далил бўла олади.

Устоз Максуд Шайхзода “Тошкентнома”сининг бадиий кимматини истисно килмаган холда мамлакатимиз бошкенти хакида янги достонлар яратилиши бадиий эҳтиёж эканини таъкидлаш зарурати бор. Халк шоири Махмуд Тоирнинг “Янги Тошкентнома”си ана шу жихатдан ахамиятлидир.

Шоир Амир Темур хиёбони, хазрат Навоий номидаги Миллий бог, Мустакиллик майдони, Эзгулик аркаси, Хотира хиёбони, Маърифат касри таърифида назмий мисралар битади. Ўзбекни мавжи бархаёт улуг дарёга киёслаган достон мулалифи миллат ифтихори бўлган Тошкент шаънида ўзига хос бадиият обидаси бунёд эта олган. Факат биргина мулохаза. Достонда Тошкент кечмишида алохида ўрин тутган бир-икки сиймо, масалан, Шайх Хованди Тохур, Мунавваркори ёки Абдулла Авлоний сийрати тўлаконлирок очилса, асарнинг таъсир кучи янада ошган бўлар эди.

Одам фарзандлари аксар холларда суратни кўради-ю мохиятдан бебахра колади. Чинакам бадиий асар ботинни – мохиятни инкишоф этмокка хизмат килади.

Адабиётнинг асл миссияси ана шу хакикатни образли талкин этмокдир. Нафас Шодмоновнинг “Махзан” асари шу йўлдаги ўзига хос ютуқ сифатида баҳоланишга лойик. Муаллиф “Ривоят” деб атаган бўлса хам, асарни жанр хусусиятларига кўра драматик достон дейиш мумкин. Асар хажман катта эмас. Иштирокчилар сони хам бор-йўги тўрт киши: рассом йигит, кўзи ожиз чол, ёрдамчи йигит ва ёрдамчи киз. Умрнинг бебаколиги,

уни кадрлаш, муносиб яшаш инсонийликнинг асосий шарти экани асарнинг ўқ чизигини – бадиий концепциясини ташкил этади. Композиция, сюжет, бадиий тасвир воситалари, монолог, диалог, ремарка – барчаси ижодкорнинг ана шу поэтик концепциясига хизмат килдирилган. Биргина мулохаза: бизнингча, асар сўнгида йигитнинг ўз кўзларини ситиб олиши вокеаси кучлирок мантикий далилланиши, кўнгилнинг кўзга айланиш жараёни муаллифнинг хохишига кўра эмас, вокеаларнинг табиий мантигидан келиб чикмоги зарур эди. Токи, ўкувчи бошкacha бўлиши мумкин эмаслигига ишонсин.

Шоир Хумоюннинг “Интихосиз наволар” тўпламига кирган “Етти устоз сабоклари”, “Калб калъаси” достонлари поэтик рамзлар, бадиий тимсоллар ўринли кўллангани билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, “Калб калъаси” достонида Юрак, Согинч, Шубха, Хавотир, Нафрат, Сўз, Тасвир, Хаёл, Акл, Муқаддас туйгу сингари тимсоллар воситасида инсон, унга хос олижаноб туйгулар ўзига хос усулда тасвирланади. Ижодкорнинг бу жанр имкониятларидан самарали фодаланишга интилаётганини таъкидлаш керак.

Энди 2012 йилги шеърий тўпламларнинг хос хусусиятларини кўрсатувчи тенденциялар хакида. Бизнингча, улар қуидагилардир:

1. Замонавий мавзуларни кўхна арузда ифодалашга интилиш. Ўтган асрнинг 20-30-йиллари шеъриятида аруздан бармокка ўтиш тенденцияси кузатилгани маълум. Кейинчалик бутунлай бармокка ўтилди. Бугун эса арузга эҳтиёж бироз кучаяётгандек. Айни кезда бу кўхна вазнга янгича рух бераётганлар ичida энг фаоли устоз Абдулла Ориповдир. Шоирнинг “Ранглар ва оханглар” тўпламига кирган газаллари ушбу жанрнинг мумтоз намуналари.

Сочларинг ёймай туриб  
Тушган коронгу тун эмас,  
Тишларингни кўрмайин  
Тонг хам оқарган кун эмас.

Мумтоз шеъриятимизга хос хусни матлаънинг накадар гўзал намунаси. Бунда ташбех хам, тазод хам фикрнинг санъаткорона ифодасига хизмат килган.

Шоир Хол Мухаммад Ҳасаннинг мумтоз шоирларимиз газалларига bogлагan мухаммаслари унинг бу борада муайян ютукларга эришаётгани исботидир. Мана, хазрат Навоийнинг машхур газали матлаъсига унинг тахмиси:

Бўй баҳосинму дейин, басти расосинму дейин,  
Хоки посинму дейин, сочи сиёсинму дейин,  
Лаб гилосинму дейин, инжу жилосинму дейин,  
Коши ёсинму дейин, кўзи каросинму дейин,  
Кўнглима хар бирининг дарду балосинму дейин.

Шоира Мухтарама Улугнинг “Эй дилим” тўпламига кирган бир неча газаллари унинг арузда ижод килиш салохияти етарли эканидан далолат беради. Масалан,

Кимни сўиди жон тикиб, кимни отарга ўки йўк,  
Мунчаям ок бўлмаса, мунча каро кўнглим менинг.

Шоирнинг газаллари дарду изтиробнинг, руҳий галаёнларнинг ўзига хос поэтик тасвирига багишлилангани билан алоҳида ажралиб туради.

2. Шеъриятда халкона охангларга эҳтиёжнинг ортиши. Мумтоз шеъриятда сахлу мумтаниъ деб аталгувчи усул бор. Бир карашда бу усулда ёзишдан осони йўқдай, бирок буни улдалаш махол. Унда фикрни охорли айтиш, маромига етказиб ижод килиш хар кимнинг хам хадди эмас. Махмуд Тоир ижодида ана шундай мисралар бор:

Кўклам кабоги  
Бунча уюлди.  
Осмон кўзидан  
Ёши куюлди.  
Жисму жонимда  
Галат титроклар.  
Шабнамдан шароб  
Ичар япроклар.

Туйгунинг образли тасвирини бу тарзда бериш кийин. Чинакам илхом келгандагина тугилади бундай мисралар.

Кутлибеканинг “Коракўзларим” тўпламидаги шеърлар метафораларга бой. Шу боис улар бадиий жихатдан талаб даражасида, таъсирчан:

Ойнинг хуккасидан кумуш келтирсан,  
Юлдуз токчасидан идиш келтирсан,  
Найсон булутидан ёғиш келтирсан,  
Дармон бўларманми дардларингизга.

“Ойнинг хуккаси (кутичаси)”, “юлдуз токчаси” метафоралари, биринчидан, шеърнинг бадииятини таъминлаган бўлса, иккинчидан, кутичадан кумуш, токчадан идиш келтириш бирикмаларида хос назокат, уларгагина тегишли нафосат сезилиб туради. Мазкур шеърдаги “Дармон бўларманми дардларингизга” мисраси юракка якин, халкона ибора экани билан фикрнинг таъсир кучини оширган.

Гавхар Ибодуллаеванинг рухий галаёнлар, кўнгил изтироблари ўзига хос талкин этилган шеърларидан таркиб топган “Юрагимда яшаётган сир” тўпламидаги халкона охангга йўгрилган мисралари куйма экани алоҳида ажралиб туради. Мухаммад Исмоилнинг “Мени кучлирок сев” тўпламидаги аксарият шеърларидан самимият уфуриб туради. “Бошимда офтобу пойимда корлар” мисрасидаги тазод ва ўзига хос оханг шеър бадииятини таъминлашда, айникса, алоҳида ўрин тутган.

Бобомурод Эрали шеърларидағи халкона ифода тарзи хам, образли тасвир хам хеч кимни такрорламайди. Шоирнинг “Сукунат сибизгаси” тўпламидаги “Аргамчи йўл” шеърида мана бундай сатрлар бор:

Аргамчи, ё аргамчи,  
Дунё айёр дўкончи.  
Шарбат узатар, унда  
Илон захри – бир томчи.

Шоир тўрт сатр шеърда бенихоя таъсирли ва охорли образни шундоккина ўкувчи кўз ўнгига муҳрлаб кўяяпти. Колаверса, хали бирорта ижодкор дунёга нисбатан илон захридан тайёрланган шарбатни узатаётган айёр дўкончи ташбехини кўллаган эмас.

Умуман, халкона усулдаги назм намуналари шеъриятимизнинг илдизлари миллатимизнинг кадим кечмишига бориб туташадиган асл ўзанларидан мудом кувват олаётгани далилидир.

3. Поэтик шаклдаги янгиланиш. Бугунги шеъриятимизда кузатилаётган ана шундай шаклий янгиланишлар алоҳида эътиборга лойик. Устоз Абдулла Ориповнинг “Ранглар ва оханглар” тўпламидаги учликлар бунга ёркин мисол бўла олади.

Абдулла Орипов – мутафаккир шоир. Шунинг учун хам у бошкаларнинг етти ухлаб тушига кириши маҳол бўлган оригинал бадиий умумлашмаларга кела олади:

Кўрганин етказгай Калб деган жойга,

Тафаккурга айтгай эшитганларин,  
Бундай издиҳомда ухлаб бўлурми?!

Чинакам ижодкорнинг калби мудом титраб туради. Негаки, хеч ким кўрмаган синоатни мушоҳада этар экан, бу унинг калбида акс садо беради. Негаки, бошқалар эшита олмайдиган оҳангларни тинглар экан, бу унинг тафаккурини муттасил равишда безовта килади. “Бундай издиҳомда ухлаб бўлурми?” – Дарҳакикат, ижод ва гафлат бир-бирига тамомила зид тушунчалардир. Ижодкорнинг огоҳлиги сири шунда. Бинобарин, ана шу фазилатларга эга бўлмаган одам ўзини ижодкор санашга хакли эмас – мана мутафаккир шоир концепцияси.

Турсун Алининг ўтган йили чоп этилган “Сайланма”сида хам янгича шаклий изланишларга анчагина мисоллар бор. Шоирнинг “Иzlар” деб номланган шеъри иккилик шаклида битилган. Бирок бу иккиликлар мумтоз адабиётимиздаги фардлардан фарқ килади. Масалан, мазкур шеър ўнта иккиликтан таркиб топган бўлиб, хар бири ўзича яқунлангандек тасаввур уйготади. Хатто зоҳиран улар бир-бирига боғланмагандек кўринади. Уларда мантикий уйгунлик борлигини чукуррок мушоҳада этилсагина пайкаш мумкин...

Салим Ашурнинг “Мухаббат китоби” тўплами моҳият эътибори билан хам ишк-мухаббатнинг охорли талкини бўлган, дейиш мумкин. Тўпламдаги учлик шаклидаги мўъжаз шеърлар поэтик жихатдан хам, теран мазмуни ва ўзига хос услубига кўра хам бошка ижодкорларни такрорламайди.

Кўхна арузда, кейинчалик бармоқдаги шеърларда хар бир ижодкор бетакрор талкин этишга уринган ишк мавзуи янгича шаклдаги назмий асарларда ўзгача ифодаланаётгани ёшларнинг изланишлари самарали бўлаётгани исботидир. Мана, Шермурод Субхон “Сокин сўз суврати” тўпламидаги тиниш белгилардан холи, шунга кўра бош харфлардан мустасно машкларида ватан, ишк ва хаёт хакидаги тасаввури ўзгача ва буни у бўлакча бадиий талкин этишга уринади. Бирок унинг ишксиз яшамок гуноҳ эканига оид хулосаси буюк салафлари карашларига мутаносиб.

Бехзод Фазлиддиннинг “Кутмаган кунларим, кутган кунларим” тўпламидаги училлари маънонинг чукурлиги, истиоранинг оригиналлиги билан алоҳида ажралиб туради. Чинакам ижодкор бўлиш учун ўзини тафтиш кила билмок талаб этилади. Бехзоднинг шеърларини нурлантириб турган хусусиятлардан бири хам худди шу. Училларида шоир ўз-ўзини тафтиш килади, руҳият тасвирини оз сўз воситасида бор кўлами, бор зиддиятлари билан ифодалай олади.

Умуман, поэтик шаклдаги янгиланиш ва изланишлар миллий шеъриятимизда, назмий тафаккурда, бадиий-эстетик дунёкарашда муайян даражада ўсишга олиб келаётгани тахsingа лойикдир.

4. Поэтик образлардаги янгиланиш. Образда янгилик килиш шаклдагига караганда анча мураккаб. Лекин шеъриятнинг чин маънода юксалиши ана шу поэтик ходисага кўпроқ боғлик. Устоз Абдулла Орипов ёзади:

Бир марта кўрганман,  
Факат бир марта,  
Ойнинг ўрогига юлдуз кўнганин.

Ойнинг ўрогига юлдуз кўниши – табиатда камдан кам кузатиладиган ходиса. Шеърият мухлисининг кўз ўнгига ёркин муҳранадиган бундай образни кўллаш шоирдан инжа эстетик дидни, юксак бадиий маҳоратни талаб этади.

Абдулла Шернинг “Гул йиллар, булбул йиллар” сайланмасида “ёмгир” образига шу

пайтгача кузатилганидан ўзгача маъно юкланган:

Ёмгиrlар оралаб ўтади умрим,  
Хар томчи – бир умр, ўзи бир дунё.  
Ёмгиrlар оралаб кузатаман жим:  
Ювениб боради аста кир дунё, -  
Ёмгиrlар оралаб...

Шоир ёмгиrlинг хар томчисини бир умрга, ўзига хос алохида бир дунёга ташбех этади. Натижада, бизнингча, хеч бир бошка шоир ижодида кузатилмаган охорли умумлашмага – кир дунёning ёмгиrlда ювениб бораётгани хакидаги поэтик хулосага келади.

Ўтган йили нашр этилган “Зарафшон мавжлари” альманахи Самаркандда бугунги кунда хам муайян ижодий анъаналарга эга адабий мухит мавжуд экани далилидир. Альманах ижодкорларнинг ёшига кўра тартиб билан тузилган. Уни мутолаа килиш жараёнида вохада тоза бир ижодий рух шаклланганини сезиш мумкин. Айникса, А.Кодиров, Р.Ахтамова, Н.Яхёев, Х.Норбоев, Н.Дўсанов, Э.Султонов, Н.Тошмуродова, Х.Мўминова, М.Расурова, К.Ибрагимова каби ёш ижодкорларнинг машклари шеъриятимиз эртанги кунига катта умидлар билан караш мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек, ўтган йили “Оила – менинг кутлуг богим” деб номланган ёшлар баёзи хам нашр килинди. Халк шоири Икбол Мирзо сўзбошиси билан чоп этилиб, 30 дан ортик ёш ижодкорларнинг шеърлари кирган баёз шеъриятимизнинг навқирон авлоди адабий-эстетик тафаккури, поэтик салоҳияти хакида муайян хулосаларга келиш имконини бериши жихатидан хам ахамиятлидир. Шеъриятда энг кўп куйланган Ватан мавзусини ўзига хос талкин этишга бўлган уриниш ёшлар назмининг истикболига умид уйготади. Нозиккина елкаларимда Кўтараман Ватан юкини, – деб ёзади Зулфизар Мухаммадисокова. Ватанни васф этар экан, Кумуш Ўсарова “хатто тикони хам огритмас жонни” деган охорли ифодани кўллади.

Жумладан, Ж.Матназаров, Р.Ўтарбоев, Ю.Зоирова, Д.Норкулова, П.Ашуррова, М.Аббосова, С.Мусатдинова, Б.Бахром сингари ёшларнинг шеърлари кишида умид уйготади. Лекин уларнинг барча машклари хам тўкис эмас. Ёшлар ижодида ёркин мисралар учрайди, бирок чинакам тугал шеърларни топиш кийинрок. Шунинг ўзиёк бу навқирон авлодларимизнинг хали мутолаа меҳнати, шеър захмати, ижод машаккати сингари довонлардан ўтмоги зарурлигини кўрсатади.

Хулоса килиб айтганда, ўтган йили чоп этилган шеърий тўпламлар тахлили, биринчидан, шеъриятимизда мумтоз бадиият сарчашмаларидан баҳрамандлик, хусусан кўхна арузга мурожаат сезиларли даражада кучайганини кўрсатади. Иккинчидан, миллий рухиятни халкона оханглар оркали тасвирлашга интилиш ортиб бораёттир. Учинчидан, поэтик шакл ва поэтик образда муттасил равишда янгиланиш жараёни кечмоқдаки, бу хол янгиланаётган адабий-эстетик тафаккур хосиласи экани билан алохида ахамиятга эга. Тўртинчидан, ижодий жараёнда муайян адабий мухитларнинг ўрни ва мавкеи бир кадар кучаймоқда. Бешинчидан, ёшлар шеъриятида устоз шоирлар ижодий лабораториясини ўрганиш, назмда улар яратган мактаб анъаналарини давом эттириш, шунинг баробарида ўз овозига эга бўлиш йўлида мунтазам изланиш олиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Шунинг ўзиёк миллий шеъриятимизнинг, адабиётимизнинг эртанги кунига катта умидлар билан карашга асос беради.